

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 6 август, № 154 (6337) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

*6 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси очилади.*

Ялпи мажлис арафасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда бўлғуси ялпи мажлисни ўтказишга тайёргарлик тўғрисида ишчи гуруҳ раҳбарининг ахбороти тингланди.

Сенат қўмиталарининг раислари ўтказилган қўмита мажлислари тўғрисида ҳамда учинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилган қонунлар бўйича хулосаларнинг ҳамда бошқа масалалар бўйича қарор лойиҳаларининг тайёрлиги ҳақида маълумот бердилар, ялпи мажлис ишини ташкил этиш бўйича ўзаро фикр алмашдилар.

Кенгаш мажлисида қайд этилганидек, Сенатнинг бўлғуси ялпи мажлисида 11 та масала, шу жумладан, 6 та қонун кўриб чиқилиши кутилмоқда.

Кенгаш аъзолари қайд этганларидек, мажлис кун тартибига ижтимоий-сиёсий, социал, иқтисодий, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида аҳамияти катта бўлган қонун ҳужжатлари киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг кўриб чиқилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бўлажак ялпи мажлисининг муҳим масалаларидан бири бўлади.

Мажлис давомида таъкидлаб ўтилганидек, мазкур Қонуннинг қабул қилиниши хусусий мулкнинг ишончли ҳимоя қилинишини янада кучайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш, тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар ва преференциялар сўзсиз қўлланилиши таъминланишига, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига тўсқинлик қилганлик ва қонунга хилоф равишда аралашганлик учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органларининг ҳамда бошқа давлат органлари мансабдор шахслари жавобгарлигининг муқаррарлиги таъминланишига олиб келади.

Кенгаш аъзоларининг фикрича, кун тартибига киритилган “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни мамлакатимизда ишчанлик муҳити оширилишини таъминловчи, жамоа бўлиб инвестиция қилиш самарали тизими яратилиб, аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлар учун вақтинча бўш турган маблағларни турли устувор инвестиция лойиҳаларига киритиш имконини берувчи ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратилишига ёрдам беради.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги (янги таҳрири), шунингдек, “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг долзарблиги ҳамда муҳимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Кўрсатиб ўтилган қонунлар жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг, аҳолини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия машғулотларига оммавий жалб этишнинг, бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самарадорлигини оширишнинг, шунингдек, санитария, касалликларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб қолади.

Бундан ташқари, Сенат аъзолари конституциявий ваколатларига мувофиқ, ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тинглайдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

*Саноат ривожи — иқтисодий салоҳиятни белгиловчи муҳим мезонлардан бири. Шу маънода, юртимизда ишлаб чиқаришнинг барча тармоғи босқичма-босқич модернизация қилиниб, жаҳон бозорида харидоргир, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилаётгани қувонарлидир. Энг муҳими, айни пайтда бундай илғор корхоналар нафақат шаҳару туманлар марказлари, балки энг чекка ва олис қишлоқларда ҳам самарали фаолият юритаётир.*




## ЗАМОНАВИЙ, ТЕЖАМКОР ВА РАҚОБАТДОШ

### Мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ана шундай эътирофга сазовор бўлмоқда.

**ИСЛОҲОТ**

Хусусан, Хоразм вилоятида саноат соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар салмоғи йил сайин ортиб бораяпти. Натижада энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган ишлаб чиқариш субъектлари сафи кенгайиб, уларда импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп товарлар тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2012 йил 22 ноябрдаги “2013 — 2015 йилларда Хоразм вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори, айниқса, муҳим аҳамият касб этаётир. Мазкур ҳужжат ижроси доирасида воҳада ўтган даврда умумий қиймати 270,8 миллион АҚШ долларилик 274 та лойиҳа рўёбга чиқарилиб, 8175 та иш ўрни яратилди. Ўз навбатида, “Дамас”, “Орландо” русумли автомобиллар, экскаватор ва бульдозерлар, маиший газ баллонлари, музлаткич, металл арматуралар, спорт инвентарлари, кир ювиш кукуни, юқори кучланишли аппаратлар каби ўнлаб янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу мақсадлар учун корхоналарнинг 156,6 миллион долларлик маблағлари, молия муассасаларининг 83,6 миллион долларлик кредитлари ҳамда хорижий инвесторларнинг 30,6 миллион доллар миқдоридаги сармоялари йўналтирилди.

Жорий йилнинг май ойида Қўшкўпир туманининг Янгилик қишлоғида иш бошлаган “Қўшкўпир техноимпекс” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ҳам — ана шундай илғор ишлаб чиқариш субъектларидан бири. Эътиборлиси, бу ерда вилоятда биринчи бўлиб электр қуввати орқали ҳаракатланадиган велосипедлар тайёрлашга киришилди. Умумий қиймати 1,5 миллиард сўмлик мазкур лойиҳа рўёби туфайли йилига 3 минг дона ана шундай маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Чунончи, корхона ишчи-мутахассислари фаолиятининг дастлабки уч ойида 6 турдаги 200 та замонавий велосипедни харидорларга етказиб бердилар.

(Давоми 2-бетда).

## Хабарлар

*■ “ДЭУ текстиль Бухоро” корхонасида иш ўринлари сони бир йўла 40 тага кўпайди. Бунга ишлаб чиқариш субъекти фаолиятини кенгайтириш эвазига эришилди.*

### Илғор технологик линия

Бизнес лойиҳа рўёби учун бир миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий сармоя жалб этилди. Натижада бу ерда 2 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга янги линия ишга туширилди. Эътиборлиси, тайёрланаётган калава ип, асосан, экспорт қилинмоқда.

Айтиш ўринлики, жорий йилнинг биринчи ярмида Бухоро шаҳрида ижтимоий-иқтисодий комплексни ривожлантириш дастурига мувофиқ, умумий қиймати 19,4 миллиард сўмга тенг 127 та лойиҳа амалга оширилиб, 717 та иш ўрни яратилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*■ Музработдаги “Гулшана Текс” хусусий корхонасида турли либослар, корхона ҳамда ташкилотлар ишчи-хизматчилари учун махсус кийимлар тайёрланади. Яқинда бу ерга камхарж, иш унуми юқори бўлган 5 та тикув машинаси келтирилди.*

### Битирувчилар мактабдан буюртма олди

— Бунда банкдан олинган 15 миллион сўмлик кредитдан фойдаландик, — дейди корхона раҳбари Иззатой Муродова. — Ишга янги қабул қилинган коллеж битирувчилари Ангор ва Шеробод туманларидаги мактаблардан ўқувчилар либослари учун олинган буюртма устида ишламоқда. Тез орада 60 хил усулда тикадиган яна 5 та тикув машинаси харид қилиш ниятимиз бор.

**Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Тадбиркорлик ва хусусий мулкнинг мустаҳкам ҳимояси

*Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки йилларидан иқтисодиётни либераллаштириш, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириб, жадал равнақ топтириш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги, хусусий мулк ҳамда хусусий тадбиркорлик ҳуқуқлари ҳимояси кафолатланиб, мазкур жараён изчил давом эттирилаётир.*

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

Кичик бизнеснинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида ушбу соҳанинг саноатдаги улуши 31,4, чакана савдо айланмасида 86,3, пуллик хизматларда 47,6 ва бандликда 77,2 фоизга етди.

Қайд этиш жоизки, тадбиркорлик фаолияти учун яратилган мустаҳкам ҳуқуқий асос мазкур кўрсаткичларни қўлга киритишда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда унга мувофиқ ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги”ги Қонун хусусий мулк ҳамда тадбиркорлик ҳимоясини янада такомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Президентимизнинг мазкур Фармони ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Қонун кенг жамоатчилик ўртасида катта акс садо берди.

**Мирзоҳид УБАЙДУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Бугун хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолияти давлат мулки билан солиштирилганда, мутлақ устуворликка эга экани ҳеч кимга сир эмас. Хусусий корхоналарда мақсад, шахсий манфаат даражаси, энг асосийси, ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият якуни натижасига бўлган масъулият бошқача.

(Давоми 2-бетда).

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ**

*Саховатли заминимизда етиштирилаётган ноз-неъматлар бутун дунёга маълум ва машҳур. Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги тубдан ислоҳ қилиниб, ғалла мустақиллигига эришилди. Пахта яккаҳокимлигидан воз кечиш уни етиштиришни янада такомиллаштириш, серҳосил янги навлар яратиш, тола сифатини яхшилаш имконини берди. Дунё бозорида мамлакатимизда етиштирилган пахтага талаб мунтазам ортиб бораётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.*

## МАМЛАКАТИМИЗ СЕЛЕКЦИОНЕРЛАРИНИНГ УЛКАН ЮТУҚЛАРИ

Талаб юқори бўлган оппоқ, толаси узун ва пишиқ пахта навларини етиштиришни мақсад қилган мамлакатимиз олимлари бу борадаги ишларга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Пахтанинг турлари кўплигига қарамасдан, етиштирилаётган ғўза навлари генетик хилмахиллигининг чекланганлиги дунё пахтачилигининг глобал муаммоларидан бири бўлиб қолаётир.

Жаҳон селекционерлари бир неча ўн йиллардан буён ўрта толали ғўза навини яратиш устида иш олиб бораяпти. Чунки ушбу нав толасининг ҳар бир қўшимча миллиметри унинг қийматини оширади. Бироқ тола сифатини яхшилаш жараёнида унинг эртапишарлик хусусияти ва ҳосилдорлигига путур етиши мумкин. Бир вақтнинг ўзида ўрта толали пахтанинг сифатини яхшилаш, гуллаши ва очилишини тезлаштириш, шунингдек, ҳосилдорлигини ошириш осон эмас. Ушбу вазифани ҳал этиш кўп вақт ҳамда маблағ талаб қилади.

Мазкур муаммонинг ҳал этилиши қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш барқарорлигини, қисқа вегетация даврида кичик экин майдонларида юксак самараларга эришишни таъминлайди. Шунингдек, хўжалик юритиш фаолиятининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиради. Айнан шу жиҳатлар олимларимизни “янги авлод инновацион биотехнологияси”ни яратишга ундади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экинларининг ген-ҳужайра инженериясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани олимларимизга ғўза геномикаси ва ген инженерияси соҳасида оламшумул янгиликлар яратиш имконини бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТИМИЗ СЕЛЕКЦИОНЕРЛАРИНИНГ УЛКАН ЮТУҚЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сўнгги ўн йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Геномика ва биоинформатика маркази олимлари дунё илм-фанида биринчи бўлиб ғўзанинг муҳим аҳамиятга эга белгилари, хусусан, тола сифати, гуллаши, тезпишарлиги ва ҳосилдорлиги, турли биотик ҳамда абиотик омилларга чидамлилигини таъминлайдиган генларни тавсифлаб берди. Шунингдек, ғўзанинг айрим ҳужайраларидан тўла қимматга эга ўсимликлар яратилди ва илк бор Ўзбекистоннинг интеллектуал мулки деб эътироф этилган ғўзанинг "ген-нокаут" технологияси ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинди.

Ушбу янги технология анъанавий пахта селекциясининг асосий вазифаларини ҳал этиш имконини берганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунончи, пахтачилик тарихида илк маротаба ўрта толали пахта навидан қисқа муддат ичида агрономик муҳим белгиларининг асосий кўрсаткичлари яхшиланган "Порлоқ" навлари яратилди. Бу навлар узунлиги 38-42 миллиметр бўлган 1-2 типдаги юқори сифатли толага эга. Бунинг асосида мамлакатимизда ушбу янги турдаги тола нархига ўзгартириш киритилди. У оддий навли толага қараганда 12 фоиз қиммат сотилади.

Халқаро мутахассислар "Порлоқ" навларининг толасига юқори баҳо бермоқда. Жумладан, "Cotton Incorporated" компанияси вице-президенти Хек Катер (АҚШ) бу борада қуйидагича фикр билдирди: "Порлоқ" нави толасининг сифатини Калифорнияда етиштириладиган "SJV Acala" ғўза навининг энг яхши толаси билан таққосласа бўлади. "Порлоқ-1" нави толасини тараш ва йигириш орқали юқори сифатли калава олиш мумкин".

Бундан ташқари, марказимиз олимлари томонидан дунё илм-фанида илк бор ғўза геномида рекомбинацион блоклар ўлчами узунлиги аниқланди, тола чиқиши ва сифатига жавоб берадиган ДНК-маркерлар идентификация қилинди. Ушбу муҳим ютуқлар мамлакатимизда ўсимликларнинг анъанавий селекциясини бир неча марта тезлаштирадиган самарали "маркерларга асосланган селекция" (МАС) технологиясини яратиш имконини берди.

МАС — ўсимликлар геноми молекуласи (молекуляр маркер) асосидаги муайян белгили селекциядир. Маркер маълум бир хусусиятни аниқ белгилайдиган маҳсулот ҳисобланади. Масалан, инсон танасига хос бўлган турли чандиқ, хол ва бошқа белгилар шахсни таниш учун "маркерлар" вазифасини ўташи мумкин. Бошқача айтганда, бундай молекуляр маркерлар ёрдамида мавсум бошидаёқ энг яхши экинларни саралаб олиш мумкин. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, молекуляр маркерлар ёрдамида бир ўсимликда бир неча фойдали ва зарур генларни жамлаш имконияти мавжуд.

МАС технологияси анъанавий селекциядан фарқли равишда экин майдонида зарарли ўсимликларга қарши сарф-харажатларни қисқартириш, селекция жараёнини бир неча марта тезлаштириш, унинг самарадорлиги ва аниқлигини оширади. Масалан, селекционер вилтга чидамлилик маркерига эга бўлса, ғўза баргини синовдан ўтказиш орқали ўсимликнинг касалликка чидамлилигини аниқлаши мумкин. Бунда касалликка чидамлиликни ва касаллик аломатларининг пайдо бўлишини аниқлаш учун бутун ғўза популяциясини вилт билан зарарлантиришга ҳожат йўқ. Энг муҳими, МАС технологияси қисқа муддатда исталган нав ДНКсига бир пайтнинг ўзида генларнинг янги фрагментлари ва гуруҳини киритиш имконини беради. Бунинг самарасида навнинг мослашувчанлиги, барқарорлиги ва чидамлилигини белгилайдиган генетик хилмахиллиги янада кенгаяди.

Ўтган даврда марказимиз олимлари томонидан ғўза генлари учун дастлабки молекуляр маркерлар тўплами яратилди ва уларнинг хўжалик-қиймат белгилари билан генетик боғлиқлик даражаси тадқиқ этилди. Ушбу тадқиқотлар турли мамлакатлардаги ғўза навларини таққослаш ва Ўзбекистон янги навларининг ўзига хослигини молекуляр даражада исботлаш имконини берди. Шу билан бирга, бу борадаги натижалар мамлакатимизда экиладиган навларнинг молекуляр ва генетик хилмахиллигининг камлигини ҳам кўрсатди. Бу келгусида юртимиз пахтачилигида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида экиладиган навларнинг генетик базасини кенгайтириш бўйича тадқиқотларни ўз вақтида амалга оширишни тақозо этмоқда.

Бунинг самарасида қисқа муддат ичида 4-5-типдаги толага эга бўлган "Андижон-35" ва "Меҳнат" навлари негизида "Равнақ-1" ва "Равнақ-2" навлари яратилди. Айни пайтда сифатли (3-типдаги) тола ва юқори ҳосилдорлиги билан ажралиб турадиган мазкур навлар давлат томонидан синовдан ўтказилмоқда. Бу нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё пахта селекциясида МАС технологияси муваффақиятли қўлланаётганининг дастлабки самарасидир. "Порлоқ" навлари ген инженерияси ютуғи бўлса, "Равнақ" навлари ген инженерияси қўлланилмаган, фойдали агрономик белгилар учун жавоб берадиган геном участкаларининг аниқ селекцияси асосидаги замонавий селекциянинг намунасидир.

Айни пайтда марказимизда йигирмадан ортиқ янги МАС генотипи яратилди. Улар ўз геномларида тола сифати, эртапишарлиги, юқори ҳосилдорлиги ва вилтга чидамлилиги бўйича пахтачилик селекциясида ҳозирча фойдаланилмаган янги генетик белгиларга эга. Ғўзанинг ушбу янги навлари босқичма-босқич такомиллаштирилиб, кенг кўламда давлат синовидан ўтказиш учун тақдим этилади. МАС навларининг жорий этилиши эса мамлакатимиз пахтачилигини барқарор ривожлантиришни таъминлаши, шубҳасиз.

Энг муҳими, бундай замонавий технологияларнинг қишлоқ хўжалиги селекцияси амалиётига жорий этилиши дунё миқёсида Ўзбекистон селекция илм-фанининг нуфузи ва рақобатбардошлигини оширади. Айни пайтда марказда МАС технологияси буғдой ҳамда узум навларини яхшилаш учун ҳам қўлланилмоқда. Келажакда қишлоқ хўжалиги экинларининг ген-нокаут ва МАС навларини яратиш учун янги технологияларни жорий қилиш давом эттирилади.

Давлатимиз томонидан бу борадаги ишлар қўллаб-қувватланиб, инновацион фаолиятни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳамда ушбу йўналишдаги устувор вазифаларни ҳал этишга қодир истеъдодли ёш олимлар етишиб чиқаётгани биотехнологик тадқиқотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги фанини юксалтириш, халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, пировардида Ватанимиз тараққиётига хизмат қилади.

**Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академияси Геномика ва биоинформатика маркази директори, биология фанлари доктори, профессор.**
**ЎзА.**

# Тадбиркорлик ва хусусий мулкнинг мустаҳкам ҳимояси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунинг учун хусусий шаклдаги корхона давлат шаклидаги мулкка нисбатан самарали ишламоқда. Бинобарин, давлатнинг иқтисодиёт тармоқларидаги иштироки сезиларли тарзда қисқартирилди.

Президентимизнинг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, унинг ижроси юзасидан ишлаб чиқилган Қонун ана шу йўналишнинг мантиқий давоми бўлди. Зеро, Қонун давр талаблари, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларга тўлиқ жавоб беради, умуман, самарали бизнес юритиш ва иқтисодий ўсиш учун кенг қулайликларни очади.

Ушбу Қонун қоидалари қўмиталарда, партия фракцияларида тадбиркорлик субъектлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда назорат органлари ва кенг жамоатчилик иштирокида атрофлича муҳокама қилинди.

**Фурқат ҚАЛАНДАРОВ, тадбиркор:**

— Юртимизда тадбиркорлик ривожи учун тақдим этилган кенг имконият, жумладан, имтиёзлар ва преференциялар биз каби ёш ишбилармонларга ўз бизнесини эркин олиб бориш, янги ишлаб чиқариш ҳамда хизматларни ўзлаштириш, иш ўринларини яратиш имконини туғдирмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил май ойидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини янада таъминлашга қаратилган Фармонини катта қувонч билан кутиб олдик. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатда ишбилармонлик муҳити ҳамда бизнес юритиш шароитларини янада яхшилаш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар назарда тутилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан янги Қонуннинг қабул қилиниши давлатимиз раҳбари Фармонида кўрсатиб ўтилган вазифаларнинг ҳаётдаги амалий ифодасига айланди. Бу қабул қилинаётган қарорлар босқичма-босқичлиги ҳамда улар ижроси самарадорлиги тасдиғидир. Хусусан, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонундан тадбиркорлик субъектлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш учун давлат органларига мурожаат қилиш мажбуриятига оид қоида чиқарилмоқда. Сабаби, Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида Тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзлар ва преференциялар ягона реестри яратилади. Бундай қулайлик бизларга соҳадаги барча ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор бўлиш имконини беради.

Мазкур янгиликларнинг қонунчилик даражасида мустаҳкамланиши кичик бизнес ривожини янада жадаллаштириш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини самарали олиб боришимизда муҳим аҳамият касб этади.

**Жамшид МАМАРАЖАБОВ, Давлат солиқ қўмитаси масъул ходими:**

— Сўнгги йилларда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равнақи, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашишга йўл қўймаслик учун зарур шароитлар яратиш бўйича изчил ислоҳотлар рўёбга чиқарилмоқда.

Шуларга ҳамоҳанг равишда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 майдаги Фармонига биноан, хусусий мулк, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди. Чунончи, жорий йил 1 июлдан микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари фаолиятига оид барча текширувлар режали тартибда назорат органлари томонидан тўрт йилда бир мартадан, бошқа хўжалик субъектларида эса уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган тартибда амалга оширилмоқда. Мазкур текширувлар фақат Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши қарорига асосан олиб борилаяпти.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар фақат сўнгги режали текширувдан кейинги даврни қамраб олади. Шу асосда тадбиркорлик субъектларига текширувлар давомида йўл қўйилган камчиликларни тўғрилаш, фаолияти тўхтатилиши ва тугатилишининг олдини олиш имкони берилмоқда. Бу нормалар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилаётгани бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик мавқеини сезиларли даражада мустаҳкамлайди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, Қонунда тадбиркорнинг моддий аҳволи ва солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш шароитини инобатга олиб, суд молиявий санкцияни энг кам қисмидан ҳам камроқ, бироқ белгиланган энг кам миқдорнинг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда қўллашга ҳақли эканлиги ўз ифодасини топмоқда.

Буларнинг барчаси мазкур соҳа тараққиёти, тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари ҳимоясини мустаҳкамлашга, назорат органлари масъулиятини кучайтиришга ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Саиджон МАХСУМОВ ёзиб олди.**

## ТАНЛОВ

*Ўзбекистон давлат консерваториясида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловининг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги якуний босқичи бўлиб ўтди.*

# Ватанга муҳаббат тараннуми

Тадбирда мусиқашунослар, бастакорлар, хонандалар, санъат ихлосмандлари, талаба-ёшлар қатнашди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўғил-қизларимиз қалбида эзгу ғояларни шакллантириш, уларни ватанпарварлик, фидойилик, юртга садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашда миллий мусиқа санъати ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2009 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танлови бу борада алоҳида аҳамият касб этаётир.

"Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилган бу галги танловнинг барча босқичида жами 3100 нафардан ортиқ яккахон иштирокчилар, 30 дан зиёд ансамбль ва бадиий жамоалар қатнашди. Унинг республика босқичида эса 64 нафар яккахон ижрочи, шунингдек, Андижон вилоятининг "Олтин соз", Наманган вилоятининг "Тарона" ашула ва рақс ансамбллари, Навоий вилоятининг "Фонтера", Фарғона вилоятининг "Қўшиқчи йигитлар" гуруҳлари энг сара мусиқий чиқишларини тақдим этдилар.

Танловнинг энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги арафасида ўтказилаётганида ҳам катта маъно мужассам. Бинобарин, унда янграган куй-қўшиқларда она-диёримизнинг муқаддаслиги, тинч ва осуда ҳаётимиз қадри, истиқлол йилларида эришилган улкан марралар, умуман, самимий туйғулар бараллa куйланди.

Кўрик-танловда Тошкент вилояти вакили Ҳамроз Деҳқонов, Фарғона вилоятининг "Қўшиқчи йигитлар" гуруҳи ҳамда Тошкент шаҳридан "Фарҳод ва Ширин" дуэти ғолиб, деб топилди.

— Ватан, она-диёр ҳақида куйлаш катта шараф, — дейди биринчи ўрин соҳиби Ҳамроз Деҳқонов. — Зеро, бундай қўшиқлар ҳар бир юртдошимизни шу азиз юртимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, унинг равнақи йўлида бор куч-ғайратини ишга солиб хизмат қилишга ундайди.

Тадбирда истиқлол берган улкан имкониятлар, фаровон ҳаётимиз, гўзал Ўзбекистонимизни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

**Дилмурод СОДИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ЗАМОНАВИЙ, ТЕЖАМКОР ВА РАҚОБАТДОШ

Мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ана шундай эътирофга сазовор бўлмоқда.




(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Илгари бу турдаги "дастёр"лар хориждан келтириларди, — дейди корхона раҳбари Мавлон Жуманиёзов. — Эндиликда эса уларни ўзимизда ишлаб чиқараяпмиз. Муҳими, бу орқали маҳсулот таннархи 40 фоизга арзонлашди. Махсус аккумулятор билан жиҳозланган мазкур велосипедларнинг афзаллиги шундаки, улар экологияга зарар етказмайди, шовқинсиз ишлайди, ортиқча жисмоний куч талаб этмайди. Транспорт воситасини хонадонлардаги электр тармоғи орқали қувватлантириш мумкин.

Корхона мутасаддиларининг таъкидлашича, бу ерда ишлаб чиқариш жараёнини босқичма-босқич амалга ошириш режалаштирилган. Бу орқали маҳсулот ҳажми йил сайин ошиб боради. Жорий йилдан бошлаб велосипедларнинг 20 фоизи экспортга чиқарилиши кўзда тутилган бўлса, келгусида мазкур кўрсаткич 55 фоизга етказилади. Маҳсулот тури ҳам 12 тадан ортади. Қолаверса, яқин истиқболда электрда юрадиган юк ташувчи мотоцикллар ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштириш мўлжалланган.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

## АВГУСТ ОЙИ ПАХТА РИВОЖИДА, ҲОСИЛ ТЎПЛАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ФАСЛДИР

*Қишлоқ меҳнаткашлари ғўза парвариши ўта нозик юмуш эканлигини яхши билишади. Чунки бу жараёнда бажариладиган агротехника тадбирларининг ҳар бири экин ривожида муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ҳосил тақдири ҳал бўладиган август ойида биз, фермер ва деҳқонлардан катта масъулият талаб этилади.*

# Тунги «шарбат» — бўлиқ кўсак

"Халқ сўзи" газетасининг шу йил 30 июлдаги сонида чоп этилган "Август ойи пахта ривожида, ҳосил тўплашда ҳал қилувчи фаслдир" сарлавҳали мутахассис тавсияларида ҳам алоҳида таъкидланганидек, август ойида барча агротехника тадбирлари мақбул муддатда ва сифатли бажарилса, ғўза ривожи тезлашиб, кўсаклар сони ҳамда вазни ошади, толаси эса пишиқ бўлиб етилади. Шунинг учун мазкур масъулиятли даврда фермеру мутахассислар, сувчию механизаторлар, энтомологлар ўз ишига ўта жиддий ёндашмоғи зарур.

Биласиз, август деҳқончилик тақвимига кўра, асад ойига тўғри келади. Халқимизнинг "Асад — экинингни ясат" деган ажойиб мақолидан ҳам англаш мумкинки, ғўза парваришидаги энг масъулиятли ва муҳим палла ушбу давр ҳисобланади. Бу пайтда бажариладиган агротехника тадбирларининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиб, уларни бекаму кўст адо этиш, экинни том маънода "ясатиш" керак. Унинг биринчи шарти экинни ўз вақтида суғоришдир.

Суғориш энг нозик агротехника тадбирларидан бири бўлиб, у сифатли бажарилсагина шаклланган ҳосил нишоналари сақлаб қолинади. Шунинг учун мироблар жуда эътиборли ва маҳоратли бўлиши зарур. Гап шундаки, қатор ораларига экин ҳолатидан келиб чиқиб, сув таралса, ғўзалар қониб сув ичади. Натижада кўсакларнинг мағзи тўқ, пахтанинг сифати юқори бўлади. Ахир халқимиз "Асад суви — асал суви" деб бежиз айтмаган-да!

Бу йил 75 гектар майдонда ғўза парваришлаётган бўлсак, бунда, айниқса, суғоришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу тадбир, асосан, тунда "шарбат" усулида бажарилаяпти. Чунки бундай қилинганда, маҳаллий ўғит ғўзага озиқ бериш билан бирга, обиҳаёт буғланишини камайтиради, тупроққа сингишини яхшилайди, намни узоқ вақт сақлайди. Яна бир эътиборли жиҳати, "шарбат" сувига тўйган ғўзанинг навбатдаги сувга бўлган талаби бир неча кунга узаяди. Мағзи тўқ кўсаклар сони кўпаяди. Ўзимиздан қиёс: ҳозирги пайтда далаларимиздаги ғўзаларнинг ҳар тупида ўртача 11-12 та бўлиқ кўсак мавжуд.

Ҳосилга ҳосил қўшиладиган айни паллада экинга сув тарашда кўллатиш ҳам ярамайди. Акс ҳолда, ғўза ранги сарғайиб, бўйига зўр беради ва ғовлаб кетади. Энг ёмони, ҳосилини тўкиб юборади, пастки қаватдаги кўсаклар эса чириб, қорайиб қолади. Охир-оқибатда ҳосил сифати ва баракасига путур етади.

Экинни сифатли суғоришда ҳикмат кўп. Бунинг уддасидан чиққанларнинг ғўзаси кун сайин, таъбир жоиз бўлса, соат сайин ривожланиб, шоналар гулларга, гуллар кўсакларга айланади.

Август ойида бажариладиган бошқа агротехника юмушларини ҳам сусайтирганимиз йўқ. Деҳқончасига айтганда, бу билан ғўзалар "уйғотилаяпти". Бундай экин мағзи тўқ ва баракали ҳосил тўплаши муқаррардир.

**Абдимурод БОЗОРОВ,**
**Қамаши туманидаги «Бозор ўғли Абди» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони.**

Реклама ўрнида

*Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни шакллантириш, унинг "қон томири" ҳисобланмиш мустаҳкам молия-банк тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва жаҳонда тараққиётнинг "ўзбек модели" дея эътироф этилаётган тадрижий ривожланиш йўли дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти. Унинг самараси иқтисодиётимизнинг барча жабҳасида кузатилаётган юксак муваффақиятларда яққол намоён бўлмоқда.*

*Дарҳақиқат, яқин-яқингача фақат хом ашё етиштириш билан шуғулланиб келган қишлоқ одамлари эндиликда илғор тадбиркор сифатида ички бозорни юқори сифатли тайёр маҳсулотлар, тезкор хизматлар билан тўлдиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Уларнинг бизнес-режалари муваффақиятли амалга оширилишида, айниқса, молия муассасаларининг кўмаги катта бўлмоқда. Ушбу жараёнда Марказий банк ташаббуси билан барча тижорат банклари томонидан кичик бизнесни кредитлаш ҳажмини кескин ошириш ва кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини тубдан яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани айни муддао бўлаётир. Натижада истиқлол йилларида тижорат банклари томонидан биргина мазкур соҳани молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағлар ҳажми 52 баробар ўсиб, юзлаб янги банк хизмат турлари жорий қилинди.*

*Бундай юқори ўсиш суръатлари таъминланишида Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати доирасида амалга оширган чора-тадбирлари муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш зарур. Хусусан, инфляция даражасининг пасайишини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиётнинг реал секторидаги инвестициявий фаоллик ўсишини қўллаб-қувватлаш мақсадида қайта молиялаш ставкаси 2014 йилнинг 1 январидан 12 фоиздан 10 фоизга, жорий йилдан бошлаб эса 9 фоизга туширилди.*

*Халқаро экспертларнинг фикрича, Ўзбекистонда "Кредит олиш" индикатори бўйича рейтингини янада яхшилаш ва юқори ўсиш суръатларига эришиш учун катта имкониятлар мавжуд. Чунки республика Марказий банки кредит ахбороти алмашинуви ҳамда гаров таъминоти бўйича келишувларни амалга ошириш юзасидан муайян тажрибага эга.*

*Чиндан ҳам, бундай саъй-ҳаракатлар амалда ўз самарасини берди. Мамлакатимиз банк тизими "Кредит алмашинуви индекси" кўрсаткичи бўйича мавжуд 8 балли тизимда 7 баллга баҳолангани, бу Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD)га аъзо давлатларга берилган меъёрдан анча юқори эканлиги фикримиз тасдиғидир.*

*Ўзбекистон банк тизими эришаётган бундай муваффақиятлар халқаро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилаётгани қувонарлидир. Жумладан, дунёнинг нуфузли "Standart & Poor's" ва "Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентликлари юртимиз банк тизими фаолиятига ҳар йили "Барқарор" рейтинг баҳосини бериб келаётган бўлса, "Moody's" халқаро рейтинг агентлиги, мана, олтинчи йилдирки, "Барқарор" даражасини қайта тасдиқлади.*

*Шу ўринда айтиш жоизки, "Ўзсаноатқурилишбанк", "Агробанк", Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Ипак йўли" банки, "Асака" банки, "Ипотека-банк" бир йўла иккита етакчи халқаро рейтинг агентлигининг "Барқарор" рейтинг баҳоларини қўлга киритган. Агар 2011 йилда мамлакатимизнинг 13 та тижорат банки ижобий рейтинг баҳосига лойиқ кўрилган бўлса, бугунги кунда барча тижорат банкларимиз шундай баҳога сазовордир. Шунингдек, Халқаро молия корпорацияси ва Жаҳон банкининг 2013 йилнинг октябрь ойида эълон қилган ҳисоботида Ўзбекистонда кредитлаш тизими 189 та давлат орасидан охирги икки йил ичида 50 поғона юқорига кўтарилгани ҳам юртимиз банк тизими ҳар томонлама тараққий этаётганини англатади. Буни халқаро агентликлар мутахассислари, фермер ва ишбилармонларнинг қуйидаги фикрлари ҳам яна бир карра тасдиқлайди.*



# Халқаро экспертлар:
# ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИ ИШОНЧЛИ ВА КАФОЛАТЛИ

**Лев ДОРФ, "Moody's Investors Service" халқаро рейтинг агентлигининг бош таҳлилчиси:**

— Ўзбекистон банк тизимининг барқарор фаолияти ҳақида гап кетганда, унинг замирида Президент Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат мужассам эканлигини алоҳида таъкидлаган бўлар эдим. Чунки давлатингиз раҳбари томонидан қабул қилинган қарор ва фармонлар, иқтисодий инқирознинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар дастури соҳа ривожида ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳаётий ҳужжатларда белгилаб берилган устувор вазифалар Марказий банк томонидан ўз вақтида бажарилаётгани эса Ўзбекистон банкларини халқаро андозалар талаблари даражасида ишлашига мустаҳкам замин яратиши билан бирга, халқингиз ва хорижий ишбилармон доира вакилларининг ишончи янада ошишига хизмат қилаяпти.

Шу йилнинг 13 июль куни агентлигимизнинг кейинги 12 — 18 ой учун "Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболлари" янги ҳисоботи нашр қилиниб, унга мувофиқ, кетма-кет олтинчи йил мамлакатингиз банк тизимининг ривожланиш истиқболлари "Барқарор" даражада қайта тасдиқланди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик таъминланган бўлиб, экспорт таркибининг диверсификация қилинганлиги ва ундан тушган даромадларнинг давлат инвестицияларини молиялаштиришга йўналтирилиши ҳисобига мамлакат иқтисодиёти юқори суръатларда ривожланмоқда. Қолаверса, барқарор ва кўп тармоқли иқтисодиётнинг шакллантирилганлиги, иқтисодиётга катта ҳажмдаги инвестицияларнинг йўналтирилаётганлиги тижорат банклари фаолияти учун қулай муҳит яратган. Шу боис агентлигимиз Ўзбекистон банклари активлари сифатининг барқарорлигини эътироф этган ҳолда, уларнинг даромадлилиги ўтган йиллардаги каби барқарор даражада сақланиб қолишини прогноз қилмоқда.

Айтиш жоизки, мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон банклари МДҲ давлатлари орасида юқори ўринларни эгаллаб турибди.

Таҳлилларимиз келгусида юртингиз тижорат банклари томонидан иқтисодиётга ажратилаётган кредитлар ҳажми йилига 20 фоиз, жорий йилда уларнинг умумий капитали 25 фоиз ўсишини кўрсатмоқда. Банклардаги депозитлар ҳажмининг барқарорлиги ҳисобига эса ликвидлик кўрсаткичи ҳам юқори бўлиши кутилаяпти.

Маълумки, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлари умумий ҳажми 28,2 фоиз, кредит қўйилмалари ҳажми 31,2 фоиз ҳамда банкларнинг умумий капитали 24,8 фоиз ўсди. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси эса 23,8 фоиз (қабул қилинган халқаро меъёрдан деярли 3 баробар кўп)ни, ликвидлилиги эса 64,6 фоиз (белгиланган талабдан 2 баробардан зиёд)ни ташкил этгани эътиборга лойиқ, албатта.

Шу билан бирга, Халқаро валюта жамғармаси томонидан ўтказилган изланиш натижасига кўра, Ўзбекистон ҳар 100 мингта катта ёшли аҳолига тўғри келадиган банк муассасалари сони бўйича МДҲ мамлакатлари орасида етакчи ҳисобланади. Бундан ташқари, банк хизматларидан фойдаланиш даражаси бўйича ҳар 100 мингта катта ёшли аҳолига тўғри келадиган молия муассасалари сони 49,8 тани, уларда жисмоний шахслар томонидан очилган ҳар 1000 та катта ёшли аҳолига тўғри келадиган банк ҳисобвароқлари 1102 бирликдан иборатдир. Буларнинг бари йил якуни бўйича МДҲ давлатлари орасида фақат Ўзбекистон банк тизими барқарор ривожланиш прогнозига эгалигига асос бўлмоқда. Мухтасар айтганда, Moody's халқаро рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон банк тизимига олтинчи марта барқарор рейтинги берилганини ҳар томонлама муносиб ва ҳақиқий баҳо деб ҳисоблаймиз.

**Роман КОРНЕВ, Мария КУРАЕВА, "Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлигининг бош таҳлилчилари:**

— Агентлигимиз юртингиз банклари фаолиятини барча йўналиш бўйича чуқур таҳлил қилиб, халқаро миқёсда белгиланган меъёрларга кўра, ўз рейтинг баҳосини бериб келмоқда. Бу банкларнинг тўловга лаёқатлилиги, омонатчиларнинг пул маблағлари бут сақланаётганлиги, капитали мустаҳкамланиб, активлари ошиб бораётганлиги, кредит портфелининг соғломлиги, кредит, фоиз ҳамда кадрлар сиёсати тўғри ишлаб чиқилганлиги, мижозларга халқаро стандартлар даражасида замонавий хизмат кўрсатаётганлигини кафолатлайди.

Юртингиз молиявий хизматлар бозорини баҳолаш чоғида кейинги йилларда тизимнинг барқарорлиги ошиб, юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришилаётганига амин бўлдик. Бунга таҳлил жараёнида мамлакатингиздаги нуфузли молия муассасалари яққол мисол бўла олади. Нега деганда, агентлигимиз томонидан ушбу банкларнинг молиявий барқарорлиги рейтинги, маҳаллий ва хорижий валютадаги депозитларнинг узоқ ҳамда қисқа муддатли рейтинглари юқори баҳога муносиб, деб топилди. Мазкур рейтинг кўрсаткичидан ҳам маълумки, Ўзбекистон чет эл инвестицияларини жалб этиш ва жамлаш, хорижий савдо операциялари бўйича хизмат кўрсатишда пешқадамлик қилаяпти.

Банк ва мижоз ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган, тенг манфаатли муносабатлар олиб борилаётган депозит сиёсати муваффақиятнинг бош омили бўлмоқда. Сабаби, омонатчилар ўз маблағларини жойлаштириш юзасидан қарор қабул қилишда, биринчи навбатда, банкнинг ишончлилиги, устама фоизнинг даражаси, муассасанинг тармоқлари ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифати билан боғлиқ жиҳатларни ҳисобга олади. Бу борада банкларингиз томонидан кенг қамровли ишлар олиб борилаётганлигини таъкидлаш ўринлидир. Яъни банк тизими раҳбарияти ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиб, молия муассасаларининг даромади ҳамда истиқболли маҳсулотлар ва сегментларда "ўсиш нуқталари"ни аниқ белгилагани банкларни ресурс жиҳатдан мустаҳкам бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда, бу эса амалда ўз самарасини бермоқда.

Бундан ташқари, банк таваккалчиликларини бошқариш ҳам молия муассасаларининг ривожланиш стратегиясидаги муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Шу маънода, айтиш мумкинки, бу ерда хатарларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва бошқариш тизими кучли стратегияни инобатга олган ҳолда, юқори даражада йўлга қўйилган. Таваккалчиликлар билан боғлиқ барча операциялар белгиланган меъёр ва чекловлар доирасида амалга оширилмоқда. Улар устидан қатъий назорат ўрнатилган. Бу борада Марказий банк талаблари ва Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг (Базел III) тавсиялари асосида самарали ва ишончли тизим шакллантирилган, дейиш мумкин.

Банклар томонидан босқичма-босқич дастурий таъминот ва ахборотни муҳофаза қилиш тизимларини бирхиллаштириш орқали ягона ахборот макони яратилгани ҳам эътиборга моликдир. Чунки бу ҳудудларда узлуксиз хизмат кўрсатишни таъминлаш баробарида, аҳоли ишончини қозонишда муҳим омил бўлаяпти. Мижозлар ўз уйи ёки офисидан чиқмасдан туриб, "Интернет банкинг", "Мобиль телефон", "Call center" сингари замонавий банк амалиётларидан фойдаланмоқда. Бундай қулайликлар эса, ўз навбатида, мижозлар сони кўпайишида алоҳида аҳамият касб этаяпти.

Қисқаси, яратилган мустаҳкам тизим юртингиз банклари нуфузини оширишда бош омил бўлмоқда. Бу эса тизимда тўғри сиёсат олиб борилаётганлигини яна бир карра исботлайди. Шунинг учун ҳам мамлакатингиз банк тизимига халқингиз ва сармоядорларнинг ишончи тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон банк тизими ишончли ва кафолатлидир.

**Халчахон МИРЗАЕВА, Ўзбекистон Қаҳрамони (Наманган вилояти):**

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар молия-банк тизимининг барқарор ривожида ўз ифодасини топмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, банк тизимидаги ислоҳотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлаяпти.

Дарҳақиқат, тадбиркорларнинг ишончли ҳамкорига айланган молия муассасаларининг барқарор фаолияти туфайли ишбилармонлик муҳити тобора яхшиланиб бораётир. Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари нафақат банклар сармоясидан унумли фойдаланмоқда, балки ўз бизнеси билан иқтисодиётимиз равнақи, аҳоли турмуш фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаяпти. Жумладан, Наманган вилоятида ўтган йили тижорат банклари томонидан соҳа вакилларига 386,4 млрд. сўмликдан зиёд кредитлар ажратилиб, аввалги йилдагига нисбатан 1,3 баробар ўсишга эришилгани шундан далолат беради.

Жорий йилнинг олти ойида эса банкларнинг уларга кўрсатган молиявий хизматлари ҳажми 269,3 млрд. сўмликдан ошди. Бу кўрсаткич ҳам олдинги йилнинг шу давридагига қараганда, 1,3 баробар кўп. Бунда, айниқса, ёшлар, яъни касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга устувор аҳамият берилаётганини айтмайсизми?! Мисол учун, жорий йилнинг олти ойида касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ўғил-қизларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 6 млрд. сўмлик кредитлар йўналтирилгани туфайли 28 мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминланди.

Банкларимиз томонидан, шунингдек, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектларга 44,2 млрд. сўм, ноозиқ-овқат товарлари тайёрлашга ихтисослаштирилган корхоналарга 50,5 млрд. сўм миқдорида кредитлар берилгани ҳам диққатга сазовордир. Қолаверса, хизмат кўрсатиш соҳасини тараққий эттириш, тадбиркор хотин-қизлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам банкларимизнинг диққат марказида турибди. Шу давр ичида ҳар икки жабҳага мос равишда 34,7 млрд. сўм ва 22,7 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилгани бунинг тасдиғидир.

Масалан, "Ҳамкорбанк"нинг Наманган вилояти филиали томонидан "Нафис Текс Гроуп" масъулияти чекланган жамиятига тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва корхона цехларини модернизация қилиш учун 500 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилгач, корхона фаолияти янада кенгайди. Бу ерда 330 минг АҚШ долларилик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шунинг тенг ярми экспортга йўналтирилгани шундай дейишимизга асос бўла олади. Наманган шаҳридаги касб-ҳунар коллежи битирувчиси Абдулҳамид Аҳмаджоновнинг "Модель пойабзал" хусусий корхонасига эса "Савдогарбанк" томонидан 150 млн. сўм миқдорида сармоя ажратилиши туфайли 6 нафар ёш мутахассис иш билан таъминланди.

Бундай мисолларни вилоятимиз бўйича кўплаб келтириш мумкин. Айтиш ўринлики, ёшларнинг бизнесга кенгроқ жалб этилиши, янги қувватларнинг ишга туширилишида Республика Марказий банки томонидан ўтказилаётган амалий учрашувлар қўл келаяпти.

Бундан ташқари, тизимда кредитлаш сиёсатининг тобора соддалаштирилаётгани тадбиркорлар учун катта имконият яратмоқда. Шунинг учун ҳам вилоятимиз аҳолиси банклар фаолиятидан жуда мамнун.

**Носир САИДОВ, "Buxoro ozuqa savdo" масъулияти чекланган жамияти раҳбари (Бухоро вилояти):**

— Бир неча йиллардан буён парранда озуқалари аралашмаси ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамиз фаолиятини кенгайтириш ниятида юрар эдик. Аммо бунинг учун муайян миқдорда сармоя зарур бўларди. Шу боис "Капиталбанк"нинг Бухоро филиалига кредит сўраб, мурожаат қилдик. Филиал мутахассислари режамизни маъқуллаб, қисқа муддат ичида 296 миллион сўм миқдорида кредит ажратиб беришди. Шундан сўнг ишимиз юришиб кетди. Яъни олинган сармоя эвазига ускуналаримизни янгиладик. Натижада ишлаб чиқариш ҳажмини 3,5 баробар оширишга, яна 10 нафар кишини иш билан таъминлашга эришдик. Ўз навбатида, даромадимиз ҳам ортди. Аниқроғи, ҳозирги кунга қадар, 865 миллион 151 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб, буюртмачиларга етказиб бердик.

Демоқчиманки, бугунги кунда юртимиз банкларида биз, тадбиркорлар учун шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Мурожаатларимиз ўз вақтида кўриб чиқилиб, талабларимиз тўлиқ қондирилмоқда. Кредит олиш борасида ҳеч қандай муаммо йўқ. Банк ресурслари тадбиркорлар учун катта имкониятлар яратмоқда. Шу боис ҳам банклар ёрдамида мулкдор бўлаяпмиз. Буларнинг бари мижоз ва банк ўртасидаги ишончли алоқалар янада мустаҳкамланишига муҳим пойдевор бўлаяпти. Бунинг учун банк мутасаддиларига ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

**Норйигит СУВОНОВ, "Bibisora chorvasi" фермер хўжалиги раҳбари (Самарқанд вилояти):**

— Бугунги кунда банклар тадбиркорларнинг яқин ҳамкори ва мададкорига айланиб бораётгани айни ҳақиқат. Бунга биз мижози бўлган "Асака" банки фаолияти яққол мисолдир.

Гап шундаки, банк ходимлари ўз ишини сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилади. Агар мижоз бирор бир маслаҳатга эҳтиёж сезса ёки қандайдир муаммога дуч келса, улар ҳамиша ёрдамга шай. Шу боис биз каби қишлоқ мулкдорларининг иши тобора ривожланмоқда.

Ўзимиздан қиёс: мазкур молия муассасаси томонидан ажратилган сармоя эвазига хўжалигимизни кўп тармоқли субъектга айлантириб олдик. Яъни кредитга 15 бош зотдор қорамол сотиб олиб, чорвамиз умумий сонини 30 бошга етказдик. Бундан ташқари, эски ферма биносини таъмирлаб, замонавий кўринишга келтирдик. Айни пайтда туманимиз аҳолисига сут ва гўшт маҳсулотлари етказиб бераяпмиз. Банк кўмаги билан фаолиятимиз шундай кенгайиб бораётган экан, биз ҳам, ўз навбатида, уларга раҳмат айтамиз.

**Тижорат банклари томонидан 2015 йилнинг I ярим йиллигида ажратилган кредитлар**

| | |
|---|---|
| Тижорат банклари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар | **6,4 трлн сўм** |
| Ажратилган микрокредитлар | **1,3 трлн. сўм** |
| Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга | **133 млрд. сўм** |
| Озиқ-овқат истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга | **1 трлн. сўм** |
| Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга | **1,2 трлн. сўм** |
| Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга | **124 млрд. сўм** |
| Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун | **1 трлн. сўм** |
| Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга | **685 млрд. сўм** |

O'ZSANOATQURILISHBANK
«FITCH RATINGS»
Халқаро рейтинг агентлиги
Fitch Ratings
2015 йил июль ойида
"ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК" АТБнинг
барча рейтингларини
"Барқарор"
истиқболи билан
қайта тасдиқлади
Вақт давомида синалган ишонч!
www.uzpsb.uz

ASAKA BANK
2015 йил 22 январда
Moody's
халқаро рейтинг агентлиги
«АСАКА»
давлат-акциядорлик
тижорат банкининг
рейтингини тасдиқлади.
Барча рейтинглар истиқболи
«БАРҚАРОР»
Хизматлар лицензияланган.

MIKROKREDITBANK
2015 йил 24 июлда
«Fitch Ratings»
халқаро рейтинг агентлиги
«МИКРОКРЕДИТБАНК»
акциядорлик тижорат банкининг
халқаро кредит рейтинг
кўрсаткичини
«БАРҚАРОР»
деб баҳолади.
Хизматлар лицензияланган

Кўриниб турибдики, республикамиз банклари ўзининг тезкор, сифатли ва кенг қамровли хизматлари, янги ва инновацион банк маҳсулотлари билан нафақат юртимиз аҳолиси ишончини қозонаяпти, балки халқаро экспертларнинг эътирофига сазовор бўлмоқда. Зотан, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўнгги сўров натижасига кўра, қатнашчиларнинг 98,5 фоизи банк хизматларидан мамнун эканликларини билдиргани бежиз эмас. Бу мамлакатимизда истиқлол йилларида молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотларнинг беқиёс самарасидир.

**Марказий банк материаллари асосида «Халқ сўзи» мухбири Дилшод УЛУҒМУРОДОВ тайёрлади.**

*Хизматлар лицензияланган.*

24 йил

*Наманганда мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб “Бетакрорimсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” шиори остида қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Улардан бири вилоят марказидаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди.*

# Мустақил юрт оқшоми

“Мустақил юрт оқшоми” деб номланган мазкур бадиий-мусиқий кечада нуронийлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида давлат мукофотлари билан тақдирланган фуқаролар, ишлаб чиқаришда юқори натижаларни қўлга киритган турли соҳа вакиллари, танловлар ғолиблари, ижодкорлар, истеъдодли ёшлар қатнашди.

Тадбир аввалида тадбиркорларимиз томонидан тайёрланган истеъмол моллари, ҳунармандчилик буюмлари кўргазмаси ташкил қилинди. Айни чоғда иқтидорли мўйқалам соҳибларининг замонамиз қаҳрамонлари сиймоси акс эттирилган асарлари намойиш қилинди.

— Таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури кечага ўзгача файз бағишлади, — дейди Наманган давлат университети талабаси З. Пўлатова. — Шунингдек, Наманган санъат коллежи, болалар мусиқа ва санъат мактабининг халқаро ва республика танловларида юқори натижага эришган энг иқтидорли ўқувчиларининг чиқишлари кўнгилларга бир олам завқ олиб кирди.

Шунингдек, қатнашчилар вилоят ўлкани ўрганиш музейида бўлиб, шаҳар ва туманларнинг истиқлол даврида эришган ютуқ ҳамда натижаларини акс эттирувчи кўргазма ва вилоят телерадиокомпанияси ижодкорлари тайёрлаган, “Ким эдигу ким бўлдик?” ғоясини ўзида мужассамлаштирган махсус видеороликни томоша қилдилар.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Андижонда аквапарк очилди



*Андижон туманининг Ўриксзор даҳасида вилоятда ҳозирча ягона бўлган аквапарк очилди. Шу муносабат билан бу ерга вилоят фаоллари, қурувчилар, нуронийлар, жамоатчилик вакиллари ҳамда ёшлар йиғилди.*

**БУНЁДКОРЛИК**

Икки гектар майдонни эгаллаган болалар кўнгилочар мажмуаси жаҳон андозалари даражасида барпо қилинди. Уни “Осиё мустаҳкам бунёдкори” МЧЖ мутахассислари қуриб, фойдаланишга топширди.

— “Тижорат банкининг 1,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредити эвазига барча юмушларни юқори савияда амалга оширдик, — дейди жамият раҳбари О. Маҳмудов. — Аквапаркда болажонлар айни ёз палласида мириқиб дам олиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган.

— Турли юртларда бўлганман ва бизнинг аквапарк жаҳон андозалари даражасида барпо қилинганини алоҳида қайд этмоқчиман, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси, Андижон олимпия захиралари коллежининг оғир атлетика бўйича мураббийи Ойбек Турғунов. — Бу каби мажмуа болалар учун айни муддао бўлди.

Яна бир эътиборли жиҳати, аквапарк жойлашган даҳада кейинги бир неча йилда юзлаб намунавий уйлар, ўқувчи-ёшлар маркази, умумтаълим ҳамда мусиқа ва санъат мактаблари бунёд этилдики, буларнинг барчаси ҳудудга ўзгача файз бағишлади.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ.**

Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.


IPOTEKA BANK

STANDARD & POOR'S RATINGS SERVICES

2015 йил 30 июлда

«Standard & Poor’s»
халқаро рейтинг агентлиги

«ИПОТЕКА-БАНК»
акциядорлик тижорат ипотека банкининг

“В+/В”
рейтингини тасдиқлади.

Рейтинг истиқболи
«БАРҚАРОР»

Хизматлар лицензияланган. 1147R/


ЭЪЛОНЛАР


**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

Хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги барча фуқароларни Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга таклиф этади.

Сиз савдоларда мавжуд бўлган давлатга тегишли ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари, уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича маълумотларни **www.1kms.uz** сайти орқали олишингиз мумкин.

**Тел: (0 371) 228-84-48, 200-10-01.**
**Факс: 228-80-24.**

Хизматлар лицензияланган.


**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сурхондарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан ФИБ Денов туманлараро судининг 2015 йил 29 январдаги 1-492-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани, «Ҳазорбоғ» ҚФЙ, Жаматак маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 45,0 кв.м бўлган савдо дўкони биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 76 421 000 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан ФИБ Денов туманлараро судининг 2015 йил 29 январдаги 1-489-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани, «Янгиобод» ҚФЙ, Янгиобод-1 маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 532,48 кв.м бўлган 34-сонли болалар боғчаси биноси (1А-литердаги 4 хонали боғча биноси, 2А-литердаги 4 хонали боғча биноси, 3А-литердаги 7 хонали боғча биноси) такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 63 000 000 сўм.***

**III.** Аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 14 апрелдаги 19-1406/1941-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Жалоир маҳалласида жойлашган, «Чорвадор» фермер хўжалигига тегишли, умумий ер майдони 39949,17 кв.м бўлган маъмурий ва ёрдамчи бинолар (1А-литердаги 13 хонали маъмурий бино, 2Б-литердаги 1 хонали бостирма, 3В- литердаги 1 хонали бостирма, 4Г-литердаги 2 хонали омборхона, 5Д-литердаги 3 хонали устахона, 6Е-литердаги 2 хонали қоровулхона, 7Ж-литердаги 2 хонали қоровулхона, 8З-литердаги 1 хонали бостирма, 9И-литердаги 1 хонали бостирма, 10Й-литердаги 1 хонали бостирма, 11К-литердаги 1 хонали бостирма, 12М-литердаги 2 хонали молхона, 13Н-литердаги 2 хонали молхона, 14О-литердаги 1 хонали бостирма, 15П-литердаги 4 хонали ветеринар хонаси, 16Р-литердаги 2 хонали молхона) такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 750 000 000 сўм.***

**IV.** Аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2015 йил 17 февралдаги 1-284-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Гулистон маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 547,33 кв.м бўлган АЁҚШ (1А-литердаги 2 хонали операторхона, 2Б-литердаги 11,471 кубометрли сиғим, 3В-литердаги девор, 4Г-литердаги асфальт майдон) такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 12 500 000 сўм.***

**V.** Аукцион савдосига Қизириқ тумани СИБ томонидан ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2014 йил 12 ноябрдаги 1-2886-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани, «Сариқ» ШФЙ, Рабатак маҳалласи «Деҳқон бозори» МЧЖ ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 48,80 кв.м бўлган ошхона биноси (А-литердаги 1 хонадан иборат) такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 40 813 454 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 26 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2015 йил 24 август куни соат 18:00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона.**
**Тел: (0 376) 221-77-94.**
**www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1146А/2

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ**

**сизларни 2015 йил 8, 10, 15 ва 17 сентябрь кунлари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Очиқ аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қўйилмоқда:**

| Т/р | Объект номи | Сотилаётган объект | | Аукционга қўйилаётган объект бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | манзили | асосий фаолият йўналиши | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «BILLUR TEKS» МЧЖ | Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, «Эски-қовунчи» ҚФЙ | Газлама, тайёр кийим-кечак ва бошқа турдаги тайёр ва ярим тайёр ҳолдаги текстиль маҳсулотларини ишлаб чиқариш | 40 561 994 282,69 | 16 017 594,12 |
| 2. | «ZARBDAR MILLER» МЧЖ | Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, Лалмикор фуқаролар йиғини | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш, жумладан ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш | 462 517 827,0 | 185 735,21 |

**Очиқ аукцион шартлари:**

Аукцион ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган маблағни аукцион ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Аукционда сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмиллийбанк» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 1 (бир) йилдан ошмаслиги лозим.

Объект фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шарти билан сотилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини қоплаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариал тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Аукционда иштирок этиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукционда иштирок этиш истагидаги талабгорлар томонидан аукционга қўйилаётган «BILLUR TEKS» МЧЖдаги улуш бошланғич баҳосининг 2 (икки) фоизи миқдорида ҳамда «ZARBDAR MILLER» МЧЖдаги улуш бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида закалат пулларини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704923918001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Аукционда иштирок этиш учун буюртманомаларни қабул қилиш, иш кунларида мазкур эълон чоп этилган кундан бошланади ва аукцион бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагида бўлган талабгорлар, уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

**Савдоларга тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).**

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

**Сотувчи (банк):** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.
Телефонлар: (0-371) 234-11-22, 234-15-60.
Тел./факс: (0-371) 234-43-31.

**Аукцион ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона.
Телефон: (0-371) 233-02-49.
Тел./факс: (0-371) 233-23-40.
Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

*Гувоҳнома № 005357.*

1140R/30


«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02


Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Бадиий ижодкорлар уюшмаси жамоалари рангтасвирчи рассом

**Ҳайдарали УСМОНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти жамоаси Нашриёт ва таҳририят бўлими бошлиғи Эркинжон Худойбердиевга волидаи муҳтарамаси

**ТУРСУНОЙ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 74 506 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — F. Қамаров.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5